



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 3 июль, чоршанба

№52 (11.440)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида

Республика тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва чинни саноати тармоқларини янада ривожлантириш ҳамда уларни бошқариш тизimini такомиллаштириш учун қуйилган шарт-шароитларни яратиш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳисобига енгил саноат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси (Ўзбекенгилсаноат)ни Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компанияси "Ўзбекенгилсаноат" ("O'z'bekyengilsanoat") фаолиятининг асосий вазибалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин;

2. Қуйидагилар Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компанияси "Ўзбекенгилсаноат" ("O'z'bekyengilsanoat") фаолиятининг асосий вазибалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва чинни саноати молларига бўлган эҳтиёжнинг ўсишини ўрганиш ҳамда баҳорат қилиш;

республика истеъмол бозорининг аҳоли ўртасида харидоригр бўлган ватанимиз енгил саноатининг юқори сифатли моллари билан тўдирилишини таъминлаш;

тармоқнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, компания корхоналари томонидан рақобатбардош моллар ишлаб чиқарилишини бутун чоралар билан кўпайтириш ҳамда уларнинг баҳор бозорларига кириб боришини ташкил қилиш;

пахта толасидан, бошқа маҳаллий хомашё ва материаллар манбаларидан фойдаланишни чуқурлаштириш ҳамда унинг комплекслигини ошириш, хозирги вақтда импорт бўйича олиб келинадиган бутловчи буюмлар ва ёрдамчи ашёлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

тармоқда ягона техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик саноати корхоналарининг кооперациялашувиغا, ишлаб чиқаришни республиканинг аҳоли зич яшайдиган туманларида маҳаллийлаштиришга қўмаклашиш;

замонавий технологияларни жорий этиш, янги буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тармоқ корхоналарини янгилаш ва техника билан қайта қуроллантириш учун тўғридан-тўғри хорижий сармояларни кенг жалб этиш;

бозор ислохотларини ўтказишда, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда компания корхоналарига ёрдам кўрсатиш.

3. "Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирилик негизда Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси ("Ўзбекенгилсаноат")ни ташкил этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 майдаги ПФ-202-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун мuddатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2002 йил 1 июль.



Галла - 2002

ҚУЙИЧИРЧИҚНИНГ ЗАЛВОРЛИ ХИРМОНИ

Туман галлазорлари дон тайёрлаш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб адо этдилар.

Бу йил қуйичирчиқлик деҳқонлар 12150 гектар майдонда ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил этиштирадилар. Шунингдек, аввалги йиллар тажрибасидан тўғри хулоса чиқарган галлазорлар мавжуд барча куч ва имкониятларни ўрим-йғим ишларини ҳам оқилона ташкил этишга, даладаги ҳосилни илжи борича тезроқ саранжомлаб олишга қаратдилар. Мавсум бошиданок оммавий сафарбарлик таъминланди. Ўрим қизгин паллага кирган кезларда галлазорларга 54тагача комбайн олиб чиқилди. Уларнинг тўхтовсиз ва юксак унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида кўма дала шийони ва кўма таъмир-

етказиб берилди. Бир қатор хўжалиқлар туман галлазорлари галабасига салмоқли ҳисса қўшди. Жумладан, «Ўзбекистон» таъриб хўжалиги туманнинг умумий галла хирмонига 4448 тонна, Беруний номли хўжалик 2962 тонна, «Пахтачи» хўжалиги 2925 тонна, «Янги ҳаёт» хўжалиги 2120 тонна сифатли дон тўкди.

Унлаб оилавий пудратчилар ҳосилдорликни аввалги йиллардагига нисбатан кескин оширишга эришдилар. «Тошовул» хўжалигидан Василий Купрятий ҳар гектаридан 70 центнер, «Олдуз» хўжалигидан Ортик Бимаханов 59 центнер, «Ужакент» хўжалигидан Шокир Давлатов 58 центнердан хирмон кўтаришди. Хайрулла Алиасқаров,

• Утган кун вилоят галлазорларида жами 408 та комбайн, шу жумладан 161 та «Кейс» юксак унум билан ишлатилди. Улар ёрдамида 12438 тонна галла ўриб-янчиб олинди. Бу йиллик режага нисбатан 4,7 фоизга тенгдир.
• Кунлик ўрим-йғимда Паркент, Уртачирчиқ, Қибрай, Тошкент туманлари энг юқори суръатга эришди. Ушбу туманларда ўтган кунги йиллик режанинг 6,6-16,7 фоизи миқдорда галла тайёрланди.
• Кечаги кунгача вилоят бўйича тайёрланган умумий галла хирмони 205044 тоннага етди. Бу шартнома режасига нисбатан 76,8 фоизни ташкил этади.
• Шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб баҳарган Қуйичирчиқ туманидан сўнг Бекобод, Бўка, Окқўрғон, Қибрай, Уртачирчиқ туманлари ҳам маррага яқинлашмоқда. Бу туманларда галла тайёрлаш режаси 81,4-96,6 фоиз баҳарилди.

Ўроз Ойнақулов, Баҳром Эштурдиев сингари таърибали комбайнчиларнинг ҳар бири шу кунгача 1400-1500 тоннадан галлани ўриб-янчиб бердилар.
Туман галлазорларида ўрим-йғим суъайрилмади, давом этирилмоқда. Чунки, ҳали 4400 гектарга яқин майдонда галла турибди. Хозиргача туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 41 центнерданга тўғри келаятгани ҳисобга олинса, қуйичирчиқликнинг ҳар кунгача уйган хирмонларига яна қамда 16-17 минг тонна галла тўкилади.
Абдусаммад Йўлдошев.

Давлат рамзлари — муқаддас

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида "Ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда давлат рамзларидан фойдаланишнинг ўрни ва роли" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ва республика "Маънавият ва маърифат" маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Анжуманда давлатнинг мақсади, стратегик йўналишларини, халқ орау-истақлари ва миллат нуфузини ўзида мужасам этган давлат рамзларининг сиёсий-ижтимоий, маънавий аҳамияти ҳақида сўз борди. Бундан роппа-роса 10 йил муқаддас, яъни 1992 йилнинг 2 июль кунги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби Ўзбекистон

Чирчиқ таърибаси

Чирчиқ шаҳрида воғга етмаган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил корхона, ташкилот ва муассасалар ўқув юртларини ташкил қилишга эришди. Уларнинг 70 таси воғга етмаганларга аталган.

Йилнинг ўтган олти ойи мобайнида шаҳар меҳнат бўлимига воғга етмаган ёшлардан 50 нафари муҳожират қилган бўлса, шулардан 23 нафари ишга жойлашди. 7 нафарига касбий маслаҳат берилди. Шунингдек, улар учун икки марта махсус меҳнат ярмаркаси ўтказилди. — Хуқуқ-тартибот идоралари, халқ таълими бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, меҳнат бўлими, маҳалла фаоллари би-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 4535 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 8970 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 4535 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 8970 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 5435 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўйиладиган устима ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақи нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирилик вазириликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан моллиядан ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминлашлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидига корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан белгиланган тартибда 2002 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартдаги ПФ-3045-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2002 йил 1 июль.

Кичик ва ўрта бизнес — иқтисодий тизим келажак

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТўЛА Фойдаланилаётими?

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда амалга ошириладиган, йил сайин чуқурлашиб ва кенгайиб бораётган иқтисодий ислохотларнинг ўта муҳим соҳаси ҳисобланади

Чунки, бизнинг ислохот йўлидан, халқимизга муносиб ва фаровон ҳаёт яратиш йўлидан олган юриш-муомила кўп жиҳатдан иқтисодий тизимнинг шу бўғинидаги ишларимиз юқори суръатда боришига, самараси салмоқли бўлишига боғлиқ. У ишсизлик муаммоларини ҳал этиш, аҳоли даромадлари орттиришнинг асосий манбаи ҳамдир. Вилоятимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар, ҳокимлик органлари, вилоят давлат мулк қўмитаси ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва унинг бўлинмалари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тажрибали фаолиятни бу соҳада муайян ютуқларга олиб келди. Бу мажмуий ишнинг даярли барча кўрсаткичларида сезиларли ортиш юз берди. Утаётган йилнинг тўрт ойи давомида бу соҳада амалга оширилган ишларнинг таҳлили ҳам шундан далолат бериб турибди. Вилоятимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмалари янада кўпайди. Уларнинг янгалари рўйхатга олинди. Жумладан, даярли 1200та янги кичик ва ўрта бизнес субъектлари барпо этилган. Шундай қилиб вилоятимизда бу тизимнинг қайта қилиниши, шундай қилиб вилоятимизда ёки хизмат кўрсаткичларида 17 минг 120тага етди. Уларнинг 15 минг 108таси хозирги кунда бозор учун махсулот чиқармоқда ёки хизмат кўрсатмоқда. Бу эса мазкур субъектларнинг 88,2 фоизи ишлаб турибди, демакдир. Ташкил

Ташаббус

КАДРНИ ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИЛАР

«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида малакали металлургиянинг муносиб ўринбосарларини тайёрлаш тизими шаклланди

Қадим бир анъана авлоддан авлодга мерос ўтиб, ривож ва камол устуни бўлиб келмоқда. Бу — устозлик ва шогирдлик. Устозлик — нафақат касбкор ўргатиш. Ҳақиқий устозлар ҳаёт тарзини, яратилиш тартибларини, инсонийлик, иймон-эътиқод фалсафасини шогирдларига сингдириб, қомил ва омилиқ навқирон бўғинни оёққа қўядилар. Шу тарихи устозлик бу ҳаётнинг барқарор ва пухта замирида янги бир халқ пайдо бўлади... Шундай бўлдики, бирмунча мuddат бу корхонада устозлар ва шогирдлар ҳаракати эътибордан четда қолди. Ушбу паллалар ишлаб чиқариш ҳақидаги қисқариб, хатто баъзи таърибали металлургия ҳам иқтисодларини ўзгартиришди. Лекин кейинги йилларда корхонада ўсиш суръати тобора барқарор тус олди. Металлургия сафига ёш мутахассислар, ишчилар келиб қўшили бошлади. Кейинги йилларда 200дан ортиқ ёш мутахассис технология жараёнларининг турли бўғинларида иш бошлади. Турли қабат эгалари бўлган қўллаб-қўллашчи ишга қабул қилинпти. Ешлар ўсиш-ўрғаниш истиқболларини яққол тасаввур этса, ишлаб чиқаришга муҳим жойлашиб қолади, корхона баҳислари уларнинг иккинчи ўлига айланади. Бунга яқин билган корхона маъмурияти ёшлар тарбияси, уларнинг истиқболли масалалари билан изчил шуғулланишга киришди. Даставвал ёшлар билан олиб бориладиган барча тарбиявий ишларни мувофиқлаштириб борувчи кенгаш тuzилди. Унинг таркибига малакали ташкилотчилар, етакчи ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари, қасаба фаоллари киришди. — Ешларда ватанпарварлик, она-юртга фидокорона хизмат қилиш туйғуларини тарбиялаш, ислохотлар ва жамиятимизда келаятган демократик ўзгаришлар жараёнларига уларни фаол жалб қилиш, уларнинг маънавий камол топиб, касбий малакаларини ошириб бориш асосий мақсадимиз, — дейди мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси — бирлашма бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты Александр Фармонов. — Ҳамма саяёҳаракатларимиз ёшларнинг касбий даражасини ошириб бориб, улар ишлаб чиқариш-ишчиликка муҳим ўрналиш қилишларига эришишга қаратилган. Бунинг учун маъмурият ҳеч нимани аямапти. Кейинги йилларда олий ўқув юртлари битириб қолган 67 ёш мутахассис ишга қабул қилинди. Касб-хунар коллеж-

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР, ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Истеъмолчилар деярли ҳар куни савдо ва бошқа хизмат турларидан фойдаланадилар. Шундай вақтларда уларнинг ҳақиқа ҳибнат қилиш, тарозидан уриб қолиши, нуқсонли товарларни сотиш, сифатсиз хизмат кўрсатиш каби иллатларга ҳам дуч келадилар. Афсуски, шундай ҳолатларда ҳамма ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайди. Бу мамлакатимизда истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайдиган кучли ҳуқуқий асос яратилганлигидан беҳабар эканликлари оқибатидир.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарнинг келиб чиқиш жойи/манзили тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар, бундан ташқари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун **Ўзбекистон Респуб-**

ликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатиш бўйича қоидалар шулар жумласига киради. Бу ҳужжатларда истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар билан, маҳсулотни сотувчилар билан, ижрочилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатлари аниқ белгилаб берилган. Шунга қарамай, фақат оз сонли истеъмолчиларгина ўз ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни биладилар. Кўпчилик ҳолларда эса, ҳуқуқ бузиш ҳолатларида бепарқ муносабатда бўлиш юз бермоқда. Бундай ҳолатлар савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши давом эттишига имкон яратади. Вужудга келган шундай вазиятни бартараф этишга фақатгина аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали эришиш мумкин.

тириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа вазоклатли органларга, маҳаллий ҳокимият органларига ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари тизими билан бир қаторда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат тизими ҳам амалда фаолият кўрсатади. Бунда ҳар иккала тизим ҳам бир-бирига зид бўлмаган ҳолда ўзаро бир-бирини тўлдирди ва истеъмолчи ўз ҳуқуқларини янада яхшироқ билишига ва уларни самарали ҳимоя қилишга имкон беради. Истеъмолчи ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун, республика истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари орқали, яъни, Ҳокимият истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат федерацияси, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари орқали ҳаракат қилишлари мумкин. Федерациянинг фаолияти истеъмолчиларнинг саводхонлиги ва давлатнинг истеъмолчилик сийратини ташвиқ қилиш бўйича йўналишларда амалга оширилади. Бундан ташқари, Федерация истеъмолчиларга маслаҳатлар беради, улардан тушган аризаларни кўриб чиқиш бўйича ишларни амалга оширади, зарурий ҳужжатларни тайёрлашга ёрдам беради, судларда истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР НИМАЛАРНИ БИЛИШЛАРИ ШАРТ?

Истеъмолчилар авваламбор ўз ҳуқуқлари Ҳокимият Республкасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, шунингдек, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш қоидалари билан тартибга солинишини ва кафолатлигини билишлари керак.

Бу ҳуқуқларни мукамал билиш товарларни сотиб олишда, хизматларга буюртма беришда ёки ишлар бажарилишида истеъмолчига ишонч ва дидлик беради. Товар сотиб олинганда, шунга эса тўғри керак: сотиб олувчи шахс товар тўғрисида, унинг хусусиятлари ва сифати, фойдаланиш, ишлатиш шартлари, кафолатлари, яроқлилик мuddати, шунингдек товарни ишлаб чиқарувчи, уни нархи (баҳоиси), товарнинг хавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги ва умуман товар ва уни ишлаб чиқарувчи (корхона) тўғрисидаги барча маълумотларни сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Истеъмолчиларга зарур сифатли товарларни (ишларни, хизматларни) эркин тарзда танлаш ҳуқуқи ҳам берилган.

Озқон муddатда фойдаланиладиган товарларни харид қилишда сотиб олиш санаси ва унинг қиймати ва айнан шу дўкандан сотиб олинганлигини тасдиқловчи касса чеки, тилхат, қаватига ёки бошқа ҳужжатнинг берилишини талаб қилиш мумкин. Агар сотиб олинган товарларнинг техник паспортлари мавжуд бўлса, у ҳолда товарнинг сотилган санаси кўрсатилган белги қўйиши талаб қилиш керак. У сотувчининг имзоси, корхонанинг муҳри ёки турбурчак штампни билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Сотилмаган товарлардан улардан фойдаланиш (ишлатиш) бўйича йўриқнома ва қоидалари, ёхуд товар тўғрисидаги бошқа маълумотлар илова қилиниши керак. Агар юқорида санаб ўтилган маълумотлар, ҳужжатлар бўлмаса, ушбу товарни сотиб олишдан ўзига тийган маълум. Маълум бир ишни бажаришда ёки хизматни кўрсатишда, буюртмани расмийлаштиришда, бажаришда товар (хизмат) тўғрисида бажариладиган ишдан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш кафолатлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни талаб қилиш керак.

ҲУҚУҚЛАР БУЗИЛГАН ҲОЛЛАРДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилганда, у зудлик билан корхонанинг мансабдор шахсига озаки раддия билан мурожаат этиши керак. Бундай мансабдор шахс секция, бўлим мудири, дўкон директори, таъмирлаш устандасининг мудири ёки бошқа шахс бўлиши мумкин. Кўпчилик вақтларда шундай мурожаатларнинг ўзи истеъмолчининг ҳуқуқини тиклаш учун kiffoа қилади.

Агар, истеъмолчи томонидан сотиб олинган товар сифатсиз, қабул қилинган андозаларга жавоб берадиган ёки ундан фойдаланиш қандайдир сабабларга кўра мумкин бўлмаса, бундай ҳолларда истеъмолчи ушбу товарни сотиб олган ёки ишлаб чиқарилган жойига, харид қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиш ҳолда товарни қайтарга беришга ёки уни алмаштиришга, уни дастлабки ҳолатини тиклашга, тузилган шартномадан бекор қилишга ёки пулини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Истеъмолчи томонидан озаки тарзда қилинган мурожаат сотувчи (ижрочи, ишлаб чиқарувчи) томонидан рад этилса, ушбу ҳол бўйича даъво хати ёзилиши керак. Хатда даъвонинг мазмуни баён этилади, далиллар кўрсатилади ва қонунчилик билан белгиланган тартибда бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш талаблари келтирилади. Бундан ташқари, хатда истеъмолчининг ҳуқуқларини ихтиёрий равишда қондирши талаблари ҳам келтирилади керак. Ақс ҳолда истеъмолчи, тегишли органларга, шунингдек, судга мурожаат этиш ҳуқуқини ҳамда ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан ташқари этказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

ҲИМОЯ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ЛОЗИМ?

Истеъмолчи давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, яъни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш устидан назоратни амалга оширадиган Ҳокимият Республкасининг монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлан-

Ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда истеъмолчиларнинг олиб борадиган ҳаракатлари СХЕМАСИ



ЎЗА МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ўзбекистон — ПОЛИОМИЕЛИТДАН

КОЛИ ҲУДА

Копенгагенда бўлиб ўтган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг навбатдаги халқаро нуфузли анжуманида юртимизнинг соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология тизими полиомиелитдан холи ҳудуд сифатида алоҳида эътироф этилиб, махсус сертификатга эга қозонди.

Ўтган йили Туркияда бўлиб ўтган Европа соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатлаштириш комиссияси йиғилишида ilk бор республикамиз полиомиелитдан холи минтақа деб тан олинган. Юртимизда амалга оширилган соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш ҳамда "ОНА ва бола" давлат дастуриларининг самараси туфайли 1995 йилдан бундан полиомиелит касаллиги умуман қайд этилмапти.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА

АҚШнинг Ҳокимияти Республкасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбт ва республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг Мухтор Хожиевнинг Ҳокимият Республкасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фтизиология ва пульмонология институти қошидаги силга қарши миллий референс-лабораторияга 60 та бинокоп микроскоп тақдим этди.

Микроскоплар АҚШ Конгресси томонидан ажратилган қўшимча маблағ ҳисобидан Ҳокимият Республкасининг соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида келтирилди. Шундай микроскоплардан яна 40 тасини Америка нодавлат ташкилоти Хоуп лойиҳаси доирасида жорий йилнинг охиригача этказиб бериши мўлжалламоқда.

БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ ТАКОМИЛАШМОҚДА

Тошкентда Сертификатга эга бўлган ҳисобчилар ва аудиторларнинг халқаро кенгаши семинари бўлиб ўтди. Кенгаш Козогистон, Қирғизистон, Ҳокимият, Россия ва Украинанинг 11 та йирик бухгалтерлар бирлашмасини ўз ичига олади.

Семинар Америка халқаро тараққий агентлиги (USAID) томонидан бухгалтерлик ҳисобини ислох қилиш лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Семинарнинг ўтказишдан мақсади — МДҲ мамлакатларининг режалли иқтисодийёт юритишдан бозор муносабатларига ўтиш йўллари ҳамда бу жараёнда бухгалтерлар ва аудиторлар фаолиятини ташкил этиш аҳмиyatини, мушоама қилишдан иборат.

Қорхонада ҳисоб-китобнинг тўғри йўлга қўйилиши муваффақият гаровидир. Бозор иқтисодиётида барча муҳим қарорлар қорхона томонидан қабул қилинади, ижобий натижаларга эришиш ҳам айнан қорхонанинг ўзига боғлиқ. Қорхонанинг ҳисоб-китоб тизими — унинг фаолиятини баҳорловчи ҳамда меҳнат унмудорлиги ва мотивий аҳолининг акс эттирувчи қўрсаткичдир. Молиявий маълумотларни адолатли ва ҳолсонна очиб бериш билангина корпоратив бошқарувни амалга ошириш мумкин, тўғри олиб борилган бухгалтерлик ҳисоби ва аудит бозор иқтисодиётида учрайдиган фирмаларга ва паравуриқка қарши асосий тўққандир.

САЙЁР УЧРАШУВЛАР

Вилоят Адлия бошқармаси жойларда ўтказиб борадиган бундай тадбирлар аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишда катта самара бермоқда.

Ҳаётимизда қонун ҳаммамнинг олдидаги тенглиги қонуннинг амал қилишига эришиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор талаб этилади.

Бу борада вилоят Адлия бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. «Жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ҳокимият Республкасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда янги таҳриридаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш орқали жамиятда адолат устуворлигига эришиш борасида яна бир муҳим қадам қўйил-

ди. Энди асосий вазифа — ана шу қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни изчилик билан ҳаётга қатъий этишдан иборат. Аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаолиятини ошириш, амалдаги қонунчиликни тарғиб этиш мақсадида вилоятнинг туман ва шаҳарларида қўллаб маъмулни учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Уларда мустақиллигимиз туфайли кўлга киритилган ютуқлар, ҳозирги сийсий — ижтимоий аҳвол, ишларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида ургу берилмоқда. Айниқса, Окқўрғон, Бекобод, Бўка туманлари, Чирчиқ шаҳрида фаол ўтган тадбирлар кўпчилигидега ижобий таъсирот қолдириди. Покент, Чиноз туманларидаги ўрта мактабларда ўтган «Демократик жамият ва миллий истиклол гоёси» мавзусига бағишланган тадбирлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш-

га самарали таъсир кўрсатди. Оқик мулоқотлар чоғида мактаб ўқувчилари Давлат ва ҳуқуқ асослари фани, Ҳокимият Республкасининг Конституцияси, амалдаги қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва бошқа мейёрий ҳужжатларни қай даражада ўзлаштирганларини намойиш этидилар.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Тошкент, Янгийўл ва Чиноз туманларида ўтказилган «Суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш — давр талаби», «Халқаро терроризм — XXI аср вабоси» мавзусидаги давра суҳбатларида йиғилиш иштирокчиларининг турли саволларига мутахассислар жавоб беришди. Адлия бошқармаси «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи» минтақавий бўлими, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ва ОИТС маркази билан ҳамкорликда ўтказилган учрашувлар ҳам яхши самара берди. Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларининг коллежалари ўқувчилари ўртасида «Гибхандлик ва ОИТС касалликларининг олдини олиш ва улар учун жавобгарлик» бўйича ўтказилган мулоқотлари иштирокчилар тарбиясига муайян таъсирот кўрсатди. Бундай тадбирларни ёшлар ўртасида янада кўпроқ ўтказишни режаллаштирилган.

Маъмур ТУЙЧИЕВ, вилоят Адлия бошқармаси минтақавий бўлими бошлиғи.

«БАЙТҚҮРҒОН»НИНГ САРҲИЛ МЕВАЛАРИ

ҳам қайта ишлаш қорхоналари жамоасига, ҳам шаҳар аҳолисига манзур бўлмоқда



Ғалла, собзавот, мева, унум этиштиришга ихтисослашган «Байтқўрғон» Қибрай туманидаги кўп тармоқли ва энг йирик ҳўжалиқлардан бири. Бу ерда, айниқса, мевачиликка жиддий эътибор қаратилади. 209 гектар мевалик бонинг 130 гектари ҳосилга кирган, қолган 79 гектари янги барпо этилган. Боғлар 68 нафар онлавий пудратчиға бўлиб берилган.

Улар бу йил 715 тонна мева этиштириш юзасидан шартнома тузиб, меҳнат қилмоқдалар. Муҳаммадийёр Қосимов ва Мухаммадқарим Тошматов сингари тажрибали деҳқонларнинг тасарруфига боғларда мўл ҳосил олиниб этилмоқда.

Ҳўжалиқнинг боғбон ва соҳибқорлари этиштирилётган ҳосилни нес-нобуд қилмай, ўз вақтида истеъмолчиларга этказиб бериш юзасидан олдиндан шартномалар тузиш ва уни оғишмай бажаришни одад қилишган. Жумладан, «Ғазалкент» ва «Янги Тошкент» консерва заводлари билан бу йилги ҳосил юзасидан шартномалар тузиб қўйилган.

Бундан ташқари, ҳўжалик Тошкент ҳамда Қибрай шаҳарлари аҳолисини ёз бўйи сархил мевалар билан танинлаб боришни ҳам яхши йўлга қўйган. Ҳозирги кунгача уларга 12 тонна махсулот этказиб берилди.

СУРАТДА: (чапдан) пудратчилар М.Қосимов, М.Тошматов ва оддий боғбон Дошёр Исроилов мева теришаётган пайт. Даврон АХМАД олган сураат.

Сиртки телевизион олимпиада якунланди

Тошкентда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг физика, математика, кимё ва иқтисодийёт фанларидан сиртки телевизион олимпиадасининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Республка ёшларининг маъмур фанларга қизиқишини янада кучайтириш, иқтисодийёт ўқувчиларни кашф этиш ва тарбиялаш мақсадида қарийб ўн йилдан бундан ўтказиб келинган олимпиаданинг дастлабки босқичлари ғолиблари телевизионде, «Маърифат» ва «Тонг юдузи» газеталарида эълон қилинган савол-жавоблар на-

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали сентябрь кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион Савдога қўйиладиган қўйилади:

- Оханжон шаҳар Строительная кўчаси 28 А, да жойлашган майдони 500 кв.м. бўлган 1 та ер майдони.
- Бошланғич баҳоси — 33.250 сўм.
- Тошкент вилояти Зангиота тумани А.Икромов номида шўжрат ҳўжалиғида жойлашган, хар бирининг сатхи 400 кв.м. бўлган 40 та ер майдони.
- Хар бирининг бошланғич баҳоси — 278 400 сўм.
- Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар Тиббий билим юртига қарашли УАЗ-3152 русумли, давлат рақами 06-36 ТШС бўлган автотранспорт.
- Бошланғич баҳоси — 497 800 сўм.
- Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ҳокимиятига қарашли Бекобод шаҳри 13-даҳа, 58-уйнинг биринчи қаваатида жойлашган майдони 83,7 кв. м. бўлган «Юность» сартарошхонаси.
- Бошланғич баҳоси — 2 116 680 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).
- Сиз аъзаларни 2002 йил 7, 14, 21, 28 август ва 4, 11, 18, 25 савдоларига тақриф этади.
- Тошкент вилояти, Паркент тумани, Марказий шифохонага қарашли «Иссиқ булоқ» фитиотерапия маскони.
- Бошланғич баҳоси — 2 500 730 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).
- Тошкент вилояти Юрчиқорчиқ тумани Янгибозор қўрғони, Хамкорлик кўчасида жойлашган соҳиб қаноп заводига қарашли «Бостирма» объект.
- Бошланғич баҳоси — 8 256 540 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).
- Ер майдонига аризалар қабул қилиш 3 кун олдин тўхтаб қалади.
- ЭСЛАТМА: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизини мўлкдоридиға маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақиқи алоҳида «Хўзайлаштиришда қоммақдаси консалтинг маркази» ҳисоб рақамига ҳўжатлар асосида тўланади.
- Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Моварауннахр кўчаси, 19-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18. Факс: 133-43-73.

Қадимий Кеш
Эзма
манбаларда

Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Шахрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, жаҳон жамоатчилигининг инсоният цивилизацияси ривожига муҳим ўрин тутган қадимий шаҳарларимиз ва бетақдор тарихий обидаларимизга қизиқиши тобора ортмоқда. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 31-сессиясида Шахрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлашда мазкур нуфузли ташкилот иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинган аждодларимиз таваққури маъсули бўлиши қадимий шаҳарнинг бутун дунёда эътироф этилаётганидан далолатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қароридан ушбу қадимий шаҳар тарихини кенг тадқиқ этиш вазифаси ҳам белгиланган. Институт ходимлари бу борада тарихий манбааларга асосланган кенг қамровли тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
УзА мухбири.

Ўтган йили газетамизнинг ноябрь-декабрь ойлари саҳифаларида «Шарқ дурдоналари» руқни остида чоп этилган «Умри боқий ҳикматлар» ўтмиш алломулари қолдирган бой фалсафий-ахлоқий асарлардан жамланган намуналар муштарийларимизга маъқул бўлган. Уларнинг истак ва талабларини ҳисобга олиб, газетамизнинг ўтган сонидан бошлаб, УзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, фалсафа фанлар доктори Маҳмудхўжа Нуриддинов томонидан таржима қилиниб, нашрга тайёрланган мазкур ҳикматларнинг мантиқий давоми бўлган лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Бузургмухр айтадики: Дунё ўз ҳолига ҳаракатдан ва интиҳодан иборат; ахли эса, унинг бағридаги тутқинлар, бебахт маҳлуқлардир. Дунёда роҳатни кам кўрдим, фано эса бисёр экан. Ҳаётда лаззат кам, тобеллик хавфи иллатдир. Дунё ўз ашкларини бир зумга очса, инсон ундаги яхшилик ва ёмонликларнинг доимий рақобатда эканлигини кўраркан. Дунё инсонга истаган нарсасини берди, балою офатлардан сақлади, лекин, улар орасидаги ёмонлик, қаҳру ғазабни бардавом қилди. Уларнинг ризқини кесди, инсонларни ўз ахлига ва болаларига бўлган муҳаббатидан нари қилди. Инсон дунёдан фойдаланди, уни барчадан устун қўйди, нари борса юз йил бу нарсалардан баҳраманд бўлди. Сўнгра жасади қариди, жамоли, куч-қудрати уни тарк этди, салтанати яқсон бўлди. Сўнгра яна уч юз йил ўтди, барча тўплагани тарқалди, амаллари ўчди, маҳкам устунлари,

(Давоми.
Боши ўтган сонда).

УМРИ БОҚИЙ
ҲИКМАТЛАР

қалъалари харобага айланган, исми ном-нишонсиз кетди, уни барча эсидан чиқарди. Фойдали нарсалар зарарга айланган; тўплагани соҳибга кетди. Ундан кейин салтанати амриликларга бўлинди. Ундан қолган мерос ризқу насиба бошидан охиригача эгасиз қолди. Барча тўплаган нарсалар соҳилганини, орттирилган неъматлар талон-торож бўлиб кетганини кўриб, факатгина тақво ва савоб ишларининг соҳибига зарар тегмаганлигининг шохиди бўларканман, бутун фикру зикримни, сўзимни, амалини савоб ишларга йўналтиришга аҳд қилдим, чунки бу ишлар ҳақиқатан ҳам биров тортиб ололмайдиган нарсалар ва ҳақиқий

этикод белгисидир. Хануз яхшилик сари интилиб, солиқ амалларни бажарар эканман, ёмонликдан кучим етганча йироқлашарканман, савоб ва азоб ақидаларига садоқатим билан ҳаёт кечирдим. Езма равишда қолишини истаган нарсаларимни кўйида савол ва жавоб тариқасида битдим. Мендан сўрашди: Одамларнинг энг бахтлиги қандайлири? Гуноҳлари ками. Мендан сўрадилар:

Гуноҳлари ками қайсилари? Айтдим: Ҳақиқат йўлида собитлари ва шайтон амридан йироқлашадиганлари.

Яна сўрадилар: Гузал ният нима? Айтдим: ниятда камтарлик, қаноатлик, ширин сўз, бу – сидқидиллик ва чиройли амал, бу – тантиллик ва кечиримликдир. Мендан сўрадилар: Эмон ният нима? Айтдим: ортиқча (киши имкониятидан юқори) нарсаларга интилим; эмон сўз бу – ёлгон сўзламоқдир ва эмон амал – бахилликдир.

Айтдилар: Зўравонлик ва адолатсизлик нимада, хаддидан ошишлик нимаю, бахиллик нима? Айтдим: интилишда чегарадан ўтмаслик, дунёнинг ўткинчилигини доимо эслаб

туриш, қалбнинг бу дунёда балоларга ва охиратда азобга дучор этувчи даъво-ларига бардош бериш, саҳийлик — яхшилик қилган одамга зиёда қилиб қайтариш. Тўғрисиқлик бу тўғри тариқат отига минмоқликдир; сидқидиллик бу ўзини алдамасликдир. Бирор мақсадга интилишда чегарадан чиқишлик — бу дунёга ҳирс қўйишлик, оқибати ёмон ишлар отига

табиат ва ҳавойи муҳаббатлардир. Улар нима? Айтдим: улар – ҳирс, катталик, ғазаб, ҳасад, сержахллик, шахватпарастлик, бировни кўра олмаслик, васваса ва риёдир. Сўрадилар: Бу хислатларнинг қайси бири ўз бобида кучли ва ундан наҳот топиш қийиндир. Ҳирс ризодан йироқдир, ўткир ғазаб ўйотиди; катталик ҳазилликка олиб келади, қалбни касал қилади; ғазабнинг султони қутишдир, лекин шукри кам; ҳасад — энг ёмон ният ва тубан фикрдир. Сержахлликнинг тўлкини баянда, лекин ғалабаси ожиздир; бировни кўраолмаслик чирогои узок ёнади, раҳмати кам, ҳужуми кучлидир; шайтон васвасасига тушмоқлик дангасалик ва беақллик белгисидир; риё — ёлгондир, сир тутилган ёлгон, шунинг учун уни кўриб, тушунмоқ ниҳоятда мушкул, риё олий даражадаги ёлгондир; шахватнинг қаҳри қаттиқдир, яъни тортиш қуввати кучлидир.

Деда: Агар шайтон зафар кучса, уларнинг қай бири инсонларни кўпроқ ҳалок этувчидир? Уларнинг кўзини кўриб, диёнатни гуноҳдан, савобни жазодан фарқламайдиган, адо этилаётган амалларнинг оқибатини англамайдиган қилиб қўяди, ҳавойи кучларни енгишда Аллоҳ берган қувватларни ишлата олмайдиган қилиб қўяди.

Айтдилар: Эрларнинг қай бирлари афзадир? Ақл билан кўпроқ иш тутадиганлари.

Айтдилар: Қай бирлари ақлироқдир? Айтдим: Ҳар бир ишини оқибатига назар солувчилари, душманни фарқлай оладиганлари ва улардан кўпроқ эҳтиёт бўлганлари.

Сўрадилар, ўша оқибат нимадир? Оқил биладиган душманлари ва улардан эҳтиёт бўлишлик зарур одамлар қиллар? Оқибат фандир, душманлар эса, инсонга хос

(Давоми бор).

Мусаввир хотирасига
бағишланди

Бадий академиянинг марказий кўрғазмалар залида истеъдодли мусаввир Жонпўлат Башаров хотирасига бағишланган кўрғазма очилди.

1967 йили Ташкентда таваллуд топган Ж. Башаров ўзининг қисқа умри давомида мингдан зиёд ноёб асар яратди. Унинг мўйқаламига мансуб расмлар республика Ички ишлар вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, замонавий санъат маркази, Бадий академия залларини беэза турибди.

Ажойиб рангтаасирчи ва график расм Ж. Башаров Россия, Словакия, Жанубий Корея каби мамлакатларда ўтказилган кўрғазмаларда муваффақиятли қатнашди. Мусаввирнинг картиналари АКШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Малайзия каби давлатлардаги шахсий кўрғазмаларда ҳам сақланаптир. Мазкур кўрғазмада беназир мўйқалам устасининг юзага келиши намойиш этилмоқда. Улар орасида "Шаршара", "Ёз манзараси", "Хумсон" каби она табиатимизнинг бетакрор манзараси акс эттирилган расмлар томошаларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўрғазма 10 июлгача давом этади.

ЎзА.

Она мадҳи дилларни
мафтун этди

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ўзбекистон" эстрада бешлиги тизимидagi республика профессионал хонандлари ўртасида "Ўзбекистон кўшиқ байрами" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Хар йили Истиклол айёми арафасида ўтказиладиган кўриқнинг бу галги иштирокчилари она Ватанимиз ва Мустақиллигимизни мадҳ этувчи, олий инсоний фазилатларни қадрловчи, кексаларни улуғловчи кўй-қўшиқлар билан қатнашди. Танловда асосий эътибор миллий кўшиқчилик услуби, савияси, ижроси ва матн мазмунига қаратилди.

Биринчи ўринга "Нихол" мукофоти совриндори Аббор Париев сазовор бўлди. У Воҳид Лукмон шери, Зиёвуддин Муллажонов мусиқаси асосида яратилган "Она" кўшигини моҳирона ижро этди. Энди голиб хонанда "Ўзбекистон кўшиқ байрами" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этди. Назолат УСМОНОВА, УзА мухбири.

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

ПИРУ БАДАВЛАТЛАР

Искандар шаҳарчасида бўлсангиз, Сидиковлар оиласи ҳақида фахрлилик гапиришадилар. Шоабди ота билан Мамлакат буви ўн фарзандни меҳнатсевар, касб-хунарли, иймон-этиқодли кишилар қилиб вояга етказишди. Бугун шаҳарчада тўйларнинг турида хамиша шу қариялар. Уларнинг ёшлар давраларидаги сўхбатлари ҳам мароқли.



СУРАТДА: Шоабди бобо, Сидиков фарзандлари ва неваралари даврасида. Суратни Владимир ПОРТНОВ олган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИ СУДЪЯЛИККА НОМЗОДЛАР ЗАҲИРАСИНИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда қуйидагилар иштирок этиши мумкин:

- 1. Олий юридик маълумотга эга, ҳужжат таъшириш вақтида 25 ёшга тўлган, 5-йил давомида Ўзбекистонда муқим яшаган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.
 - 2. Диллам олгандан сўнг мутахассислиги бўйича 3-йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.
- Судьяликка номзодлик истагини билдирган, юқоридagi талабларга жавоб берадиган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
- Суровнома. (ўз қўли билан тўлдирилган ва имзоланган).
 - Таржimai хол (ўз қўли билан тўлдирилган ва имзоланган).
 - Яқин қариндошлар ҳақида маълумотнома (имзоланган, тасдиқланган).
 - Таъсифнома (муҳр билан тасдиқланган, асли).
 - Кафолатномалар - 3 та (ҳар хил мазмунда 3 та шахдан).
 - Иш фаолияти тўғрисида маълумотнома (камида 6 ойлик, 1-2 йиллик).
 - Тошкент вилояти хўжалик суди Раиси номига ариза.
 - Маълумоти ҳақидаги ҳужжат (диплом)нинг нотариал тасдиқланган нусхаси.
 - Паспорт нусхаси (муҳр билан тасдиқланган).
 - Тиббий маълумотнома 0/86 (асл нусхаси).
- Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Ахборот Марказининг маълумотномалари (асл нусхаси, барча 14 ёшга тўлган яқин қариндошларига бўлиши шарт).
- Меҳнат дафтарчасининг нусхаси (муҳр билан тасдиқланган).
- Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди биносида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
700097, Тошкент ш. Чилонзор тумани «Ц» мавзеси,
Чўпон-ота кўчаси, 6. Телефон: 77-27-93, 77-86-57.

ОЛТИ ИМКОНИЯТДАН
УЧ ОЧКО

Мамлакатимиз ўйингоҳларида ўн биринчи миллий чемпионатнинг навбатдаги ўн бешинчи тур учрашувлари ўтказилди.


Бўлиб ўтган сақиз учрашувида дарвозаларга ўттиз тўртта тўп киритилди. Бир учрашувида меҳмонларнинг қўли баянда келди, икки учрашувида эса дуранг натижага қайд этилди.

Бу турда қайд этилган иккита дуранг натижа вилоятимиз жамоалари ўйинларида содир бўлди. «Металлург» ўз майдонида «Сугдиёна»ни қабул қилди. Уйиннинг дастлабки дақиқалари тенг курашлар остида ўтди, лекин ўн бешинчи дақиқада меҳмонларга омад кулиб боқди. Улар «Металлург» дарвозасини ишғол этишга эришилди. Қарши ҳужумга ташланган майдон эгалари икки дақиқадан сўнг ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Равшан Асадов меҳмонлар дарвозасини забт этди. Танафусдан сўнг майдон эгалари бир неча бор меҳмонлар дарвозасини забт этишлари мумкин эди. 73-дақиқада Владимир Баранов рақиблар дарвозаси томон белгиланган 11 метрлик жарима тўпини дарвозага аниқ йўллай олмади. Уйин 1:1

Ҳисобида яқунланди. Чемпионатда яқка карвонбошлик қилаётган «Пахтакор» жамоаси «Дўстлик» меҳмони бўлди. Учрашув тенг курашлар остида давом этди, лекин Мухтор Қурбонов 43- дақиқада меҳмонлар дарвозасини ишғол этиб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Танафусдан сўнг пахтакорчилар мағлубиятдан қутулиш учун ҳужумга зўр бердилар. Неъматулла Қутибоев 54-дақиқада жавоб тўпини киритиб, ҳисобни тенглаштирди. 58-дақиқада пахтакорчи Анвар Солиев ўз жамоасини 2:1 ҳисобида олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг майдон эгалари яна ҳужумга зўр бердилар. 77-дақиқада Николай Моисеев пахтакорчилар дарвозасига иккинчи тўпини йўллаб ҳисобни тенглаштирди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Трактор» 4:0; «Навбахор» — «Сармақанд-Д» — 3:0; «Андижон» — «Бухоро» — 2:0; «Қизилқум» — «Зарафшон» — 5:0; «Нефтичи» — «Кўқон-1912» — 6:3; «Сурхон» — «Насаф» — 2:3.

БРАЗИЛИЯ – ЯНГИ АСРНИНГ
ДАСТАЛБКИ ЧЕМПИОНИ



Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «Фармод-Авто» тўхтишда шўба корхонаси тугатилди. Даволаб эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Биллур кўчаси, 54-уйда қабул қилинади.

Зўр майдон
танламайди

Футбол бўйича вилоят чемпионатида навбатдаги еттинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Уч ўйинда майдон эгалари, биттасида меҳмонлар ғалаба қозондилар. Бир учрашувида ҳисоб очилмади.

Пскент туманининг «Ўзбекистон» жамоаси ҳар ўйинда ўз мухлисларини хурсанд қилиб, мутахассислари эса лол қолдирмоқда. Негаки, чемпионат бошлангандан буён хаги биророрта ҳам очко йўқотгани йўқ. Ҳатто, ўзга майдонларда ҳам дурангга рози бўлмади, факат ғалаба учун курашмоқда ва бунга эришяпти ҳам. Жумладан, еттинчи турда пскентликлар «Бўстон» жамоаси меҳмони бўлдилар ва навбатдаги йирик ғалабани (7:0) қўлга киритдилар.

ВАКИЛЛАРИМИЗ –
ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Мамлакат 11-миллий чемпионати биринчи табақасида иштирок этаётган жамоалар дастлабки доводдан ошдилар.

Вилоятимизнинг уч жамоасидан иккитаси пешқадамлар сафидан ўрин олди. Сўнгги турда «Кимёгар» қувасойлик футболчилар билан баҳс юритиб, 2:2 ҳисобида дуранг натижага эришди. «Ангрен» эса Тошкентда «НБУ ОСИЕ» меҳмони бўлиб, ўн иккинчи 3:0 ҳисобида бой бериб қўйди. Вилоятимизнинг учинчи вакили «Солиқчи» эса «Зардари Транс» жамоасини 5:0 ҳисобида мағлуб этди. Биринчи даврдан сўнг «Гу-

XVII – жаҳон чемпионатида
старт берилмасдан олдин газетамизнинг 25 май сонида ХХI-асрнинг илк чемпионлигини учинчи қитъада ким қўлга киритади деб савол қўйган эдик.

30 июнь кунини Япониянинг Иокагама шаҳрида мана шу саволга миллионлаб мухлислар кўз ўнгида бразилиялик футболчилар жавоб бердилар. Шу кунин улар Германия терма жамоаси устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар ва ХХI-асрнинг дастлабки чемпионлигини қўлга киритиб, бешинчи бор жаҳон кубогини соҳибга бўлдилар. СУРАТДА: финал учрашувида 2 марта германияликлар дарвозасини аниқ нишонга олган Роналдо ўз қўловчилигини яшира олмай, кўзида ёш билан жаҳон кубогини қўлига олди.

Собир Раҳимов туман ҳўжалиги томонидан 1993 йил 2 февралда уй-жойга эгаллик қилиш учун Азимова Мунира Абдураҳимовна номига 0502/4150 рақам билан берилган, йўқолган ДАВЛАТ ОРДЕРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48, Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.